

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси**

**Миллий библиография бўлими
библиография ўчоғи**

Тошкент - 2009

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси**

**Миллий библиография бўлими
библиография ўчоғи**

Тошкент - 2009

Миллий библиография бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи Ф. М. Рўзиева
Муҳаррир Ҳ. Маматраимова

Миллий библиография бўлими библиография ўчоғи:библиог. кўрсаткич /Тузувчи Ф. Рўзиева; Муҳаррир Ҳ. Маматраимова; Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси, Миллий библиор. бўлими.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009.- б.

Сўз боши

Ўзбекистон диёри энг қадимги даврлардан фан ва маданияти ривожланган ўлкадир. Ана шу ўлкага тааллуқли материалларни йиғиш ва уларни асраб келажак авлодга етказиш кутубхона, АКМ ва АРМларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мавжуд адабиётлар ҳақида исътемомчиларга маълумот бериш кутубхоналарнинг библиография бўлими фаолиятига киради.

Бу борада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси миллий библиография бўлими китобхонларга хизмат кўрсатибгина қолмай, республика кутубхоналари, АКМ ва АРМларига яқиндан ёрдам беради. Миллий библиография соҳасида маълумотлар базасини яратиш ва тўлдиришнинг асосий манбаи шаҳар ва ўлка ҳақидаги босма ва электрон шаклдаги китоблар, маҳаллий вақтли нашрлардир. Бўлимда мавжуд картотекалар юқоридаги вақтли нашрлардаги маълумотларни тўплаш орқали олиб борилади.

Ушбу қўлланмада юқоридаги вазифаларни бажариб, китобхонларга қирқ йилдан ортиқ хизмат кўрсатиб келаётган Миллий библиография бўлими тарихи ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар баён этилди. Бундан ташқари қўлланма охирида бўлим томонидан нашр этилган ва ҳозиргача бўлим фондида мавжуд кўрсаткичлар рўйхати хронологик тартибда берилди. Қўлланма миллий библиография бўлими ташкил этилганининг 45 йил тўлиши муносабати билан нашрга тайёрланди.

Қўлланма миллий библиография бўлими ва библиография соҳасига қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Миллий библиография бўлими миллий библиография ўчоғи

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўзбек халқи миллий меросини, тарихини қайтадан ўргана бошлади. Бунда аجدодларимиз қолдирган қўл ёзма дурдоналари ўзбек халқи тарихини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади.

Тарихни, маънавият ва маърифий билимларни ўрганишда кутубхоналарнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Кутубхоналар жамиятда аҳолига хизмат кўрсатди ва сиёсий, мафкуравий вазифаларни бажаради, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий мавфкуравий, маънавий сиёсатни кенг халқ орасида оммалаштириш, улар онгига сингдиришда асосий воситачи ролини ўйнайди. Бу борада йирик кутубхоналарнинг улкан ҳиссаси, олиб бораётган ишлари катта ўрин тутди.

Кутубхоналарда бир неча бўлимлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда иш олиб боради. Кутубхоналарда адабиётларни тарғиб қилиш, улар ҳақида маълумотлар бериш ва йиғиш каби ишларни кутубхонанинг библиография бўлими олиб боради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси миллий библиография бўлими бу борада республика кутубхоналарига яқиндан ёрдам беради.

Миллий библиография бўлими 1965 йил 25 майда маълумот библиография бўлими негизида ташкил этилган. 1982 йилда маълумот-ахборот бўлими ташкил этилиши билан Миллий библиография бўлими Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўлкаларининг ўлкашунослик библиография иши билан шуғуллана бошлади.

Миллий библиография бўлими ҳозирги кунда иш кўламини анча кенгайтириб, китобхонларга миллий библиографик маълумотлар бериш билан бир қаторда кутубхоналар учун ўлкашунослик ишлари бўйича марказ

ҳисобланади. У ўлкашунослик библиография фаолиятини ташкил этишда методик ёрдам беради ва кутубхона бўлимлари ҳамда Тошкент шаҳридаги етакчи кутубхоналар билан ҳамкорликда қўлланмалар нашр қилиш соҳасида мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Бўлим вазифаларини батафсил ёритишдан олдин биз "миллий библиография" тушунчаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Кутубхоначилик ва библиография соҳасида библиографиянинг "миллий библиография" тури муҳим ўрин тутди. Бинобарин "миллий библиография" тушунчаси кенг маънони англатиб, бир атама сифатида миллатга хос бўлиб ҳисобланади.

Миллий библиография – давлат ёки халқ (этник) билан боғлиқ у ёки бу белгиларни қамраб олувчи ҳужжатлар ҳисобидир.

Жаҳон амалиётида, шунингдек бизнинг республикамизда ҳам миллий библиографик ҳужжатларни аниқлаш 3 та белги орқали олиб борилади:

- у ёки бу давлат ҳудудида чоп этилган ҳужжатларнинг ҳисоби (давлат-ҳудудий белгисига кўра);
- нашр этилган жойидан қатъий назар маҳаллий миллат тилидаги ҳужжатлар (тил-белгисига кўра);
- нашр этилган жойи – давлати, тили, муаллифлик мансублиги сақланган ҳужжатлар ҳисоби (комплекс принципига кўра).

Юқоридаги қоидалар асосида биз миллий библиография тизими учун ҳужжатларни танлаб оламиз.

Миллий библиография бўлими ана шу қоидаларга таянган ҳолда китобхонларга хизмат қилади.

Бу бўлимда Ўзбекистонда библиографияни ривожланишида улкан ҳисса қўшган йирик библиографлар В.И.Межов, Н.В.Дмитровский, Е.Ф.Кал, Е.К.Бетгер, Л.К.Давидов, М.П.Авшарова, Е.Д.Свидина, Л.Я.Зезенковалар ишлаб ижод қилганлар.

2002 йил апрель ойида кутубхонага Миллий кутубхона мақоми берилгач, бўлим иши янада кенгайди. Ҳозир кунда бўлим қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Кутубхона китобхоналарига, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга ва бошқа шахсларга маълумот-библиографик хизмати кўрсатиш;

- Маълумот-библиография ва ўлкашунослик ишлари назарияси ва амалиёти масалаларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон ҳақидаги илмий ёрдамчи ва тавсия библиографияни тузишда иштирок этиш;

- Кутубхона бўлимларига ва республика кутубхоналарига маълумот-библиография ва ўлкашунослик ишларида, оммавий кутубхоналар ишида тавсия библиографиясидан фойдаланишни ўрганиш ва жорий қилишда методик ёрдам беради;

- Кутубхонанинг библиография бўлими республика кутубхоналарининг библиография иши ва ўлкашунослик ишларини мувофиқлаштириш ишларида қатнашади ва ёрдам беради.

Миллий библиография бўлимининг иш мазмуни:

маълумот-библиографик адабиётлар фондини миллий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистонга тааллуқли адабиётлар билан тўлдириш, ташкил этиш, сақлаш ва китобхоналарга хизмат кўрсатиш;

китобхоналар сўровларига жавоб бериш, ўлкашунослик мавзусида библиографик маълумотномалар бажариш ва бажарилган маълумотномалар архивини юритиш.

“Ўзбекистон кутубхоналарининг илмий ахборот библиография ва маълумот библиография ишлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Низомга асосан умумий ва ўлкашунослик мавзусидаги маълумот библиографик аппаратини ташкил этиш ва юритиш;

универсал ва тармоқ хусусиятларга эга бўлган кундалик ва ретроспектив илмий ёрдамчи библиографик кўрсаткичлар, шунингдек ўзбек ва рус тилларида тавсия кўрсаткичлар тузиш ва нашрга тайёрлаш;

Ўзбекистон миллий китоб палатаси билан ҳамкорликда ишлаш ва библиографик кўрсаткичлар тайёрлаш.

Бўлимдаги “Мустақил Ўзбекистон” картотекасини юритиш, кутубхонага олинган барча нашрларни кўриб чиқиб, Ўзбекистонга тааллуқли маълумотларни йиғиш, маълумотларни электрон базасини яратиш, бўлим қироатхонасида китобхонларга маълумот библиографик хизматини кўрсатишдан иборат.

Ҳозирги вақтда бўлим 3 шўъба:

- кундалик ва ретроспектив библиография шўъбаси;
- илмий ёрдамчи ва тавсия библиография шўъбаси;
- маълумот-библиография хизмати ва маълумот-библиографик фондни ташкил қилиш (каталог ва картотека фонди) шўъбасидан ташкил топган бўлиб, 13 ходим ишлайди.

Бўлимда қуйдаги картотекалар мавжуд бўлиб, биринчиси

Ўрта Осиёда 1917 йилдан 1957 йилгача нашр этилган адабиётларни акс эттирувчи бой “Ўрта Осиё китоб журнал газета” картотекаси.

Иккинчиси 1957 йилдан 1991 йилгача “Ўзбекистон” картотекаси мавжуд бўлиб, у ўзбек ва рус тилларида республикамиз ҳақидаги фаннинг барча соҳалари бўйича журнал ва газеталар саҳифаларида чиққан материаллар йиғилган.

Учинчиси “Ўзбекистон” картотекаси 1991 йилдан “Мустақил Ўзбекистон” деб юритила бошланган ҳамда у доимий (ўзбек ва рус тилларида) тўлдириб борилади.

Бундан ташқари бўлимда тақризлар ва бадий асарларнинг сарловҳа картотекаси ҳам юритилган.

Бўлим қироатхонасида жойлашган “Мустақил Ўзбекистон” картотекаси ўзбек ва рус тилларида вақтли матбуот саҳифаларида чиққан мақолалар билан тўлдириб борилади. Картотекадаги материаллар кутубхоналарда қўлланиладиган “Оммавий кутубхоналар учун кутубхона классификацияси жадвали” бўйича, бўлимлар ичида алифбо тартибда жойлаштирилган. Баъзи бўлимлар ичида бўлимчалар яъний рубрикалар ҳам очилган. Рубрикалар ичида материаллар тескари хронологик тартибда, йиллар ичида эса муаллифларнинг исмлари ёки мақолаларнинг сарлавҳаси алифбоси тартибда жойлаштирилган. Картотекада китоблар, журнал ва газета мақолалари ажраткич картотекалар орқали ажратилган.

Миллий библиография бўлими қироатхонасида вақтли матбуот нашрларининг рус ва ўзбек тилларида охириги уч йиллиги сақланади. Ҳужжатлар кўламини ўрганиш ва йиғиш – справка ва ахборот хизматининг асоси ҳисобланади.

Бўлим фонди 5500 нусхани ташкил этади. Фондда маълумот библиографик адабиётларнинг топографик каталоги ҳам юритилади. Фондда 1917 йилдан ҳозирги кунгача Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тўғрисидаги адабиётларнинг библиографик рўйхатлари, библиографик қўлланалар, матбуот солномалари сақланади. Нашрлар ичида Е.К.Бетгер, В.И. Межов, О.В.Маслова, А.Э.Далимов, Ф.Убайдуллаев, Н.А. Буров, М.Носирова, С.А.Теплова, О.Г.Қосимова, О.В.Колповская, А.Х.Туропова ва бошқа кўплаб библиографларнинг кўрстакчилари, шунингдек республиканинг йирик кутубхоналари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида тайёрлаб нашр этирилган ўлкашунослик қўлланмалари, давлат библиография органлари нашрлари, ўзбек ва рус

тилларидаги матбуот нашрлари, кутубхонашунослик ва библиография бўйича адабиётлар мавжуд. Бундан ташқари бўлимда “Қарши-2700”, “Меъёрий ҳужжатлар”нинг электрон базаси мавжуд бўлиб, китобхонларга хизмат кўрсатиш учун ишлаб турибди.

Кутубхонада миллий библиография бўлими маълумот библиография иши бўйича етакчи ҳисобланади. Китобхонларга маълумот библиографик хизмат кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида кутубхона фондидини очиб берувчи ва доимий тўлдириб борувчи системали, алифбо ҳамда қисман электрон каталог яратилиди. Китобхонлар маълумот ахборот бўлими орқали улардан фойдаланадилар. Ўлкашуносликка оид саволлар ва умумий соҳавий мавзулар бўйича китобхонларга миллий библиография бўлими хизмат кўрсатади.

Миллий библиография бўлимида ишлаган таниқли библиографлардан бири Е.К.Бетгер. У республикада кутубхоначилик-библиография ишининг йирик ташкилотчиси ва кўплаб библиографик қўлланмаларни тузувчи библиографдир. Бетгер ташаббуси билан миллий кутубхонада 1948 йил нодир китоблар фонди алоҳида ташкил қилинган.

Е.К.Бетгер 1927 йил “Туркестанские ведомости” газетасининг мазмунига “Роспись статьям и заметкам в газете Туркестанские ведомости за время её существования” (с 28 апреля 1870 г. по 15 декабря 1917г.) ҳамда иккита тармоқ қўлланмалари: “Указатель статей и заметок по археологии и история Средней Азии, помещенных в газете Туркестанские ведомости за время её существования” ва “Указатель статей и заметок по географии, метрологии сейсмология и гидрологии Туркестана, помещенных в газете “Туркестанские ведомости”ни тузган. Бу кўрсаткичда Бетгер мақолаларнинг мазмунини очиб беради ва сохта муаллифларни аниқлайди.

Е.К.Бетгер 1947 йилда Е.Д.Свидина билан биргаликда В.И.Межовнинг “Библиография Азии” кўрсаткичига ёрдамчи кўрсаткичла “Исмлар, шахс ва географик номлар” кўрсаткичини тузади.

Е.Д.Свидина ва М.П.Авшарова “Узбекская литература” (1959 й.) кўрсаткичини тузадилар. Е.Д.Свидина яна урта энг муҳим аҳамиятга эга бўлган библиографик ишни, чунончи, “Алишер Навоий” (1968), “Ғафур Ғулом” (1973) ва “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий” (1975) каби илмий ишларни тузган.

Е.Д.Свидина бўлимнинг бош библиографи Л.Я.Зезенкова билан ҳамкорликда “Узбекистаника” картотекасининг асосчиларидан бири бўлган.

Ўзбек тилида 1940-1958 йиллар адабиётини ўз ичига олган “Ўзбек адабиёти” илмий ёрдамчи библиографик кўрсаткичининг биринчи бўлими нашр этилган. Иккинчи бўлими 1959-1970 йилларни қамраб олган.

Бўлим ходимлари тавсия библиографиясига ҳам катта аҳамият берадилар. Ўзбек ҳамда рус тилларида ҳар йили “Мустақил Ўзбекистоннинг муҳим ва унутилмас саналари” тақвими нашр этилади.

Тақвим республикамиз сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётидаги йирик саналар, воқеалар, юбилей саналарини ёритиб беради.

1953-1962 йилгача бўлим томонидан икки тилда “Ўзбекистон” йилномаси нашр этилган. 1968 йилдан бошлаб миллий библиография бўлими Ўзбекистон ССР Давлат Китоб палатаси билан бирга рус тилида “Ўзбекистон ССР матбуоти солномаси” кўрсаткичини чиқара бошлаган. Буни тайёрлаш учун библиографларимиз бир йил давомида ўрта ҳисобда 35 000 бутуниттиффоқ миқёсидаги вақтли матбуотни кўриб чиқиб Ўзбекистонга тааллуқли материалларни йиғиб Ўзбекистон китоб палатасига тақдим этганлар. 1981 йилдан бошлаб бу кўрсаткич “Ўзбекистон ССР ва чет эл социалистик

мамлакатлари матбуотида” номи билан чиқарила бошлаган.

Кутубхона ротапринтида бир йилда 10-13 номда тавсия библиографиялар нашр этилиб республикамиздаги вилоят кутубхоналарига методик ёрдам тариқасида жўнатилган.

Миллий библиография бўлими ҳозирги кунда ҳам республикамиз ахборот кутубхона маркази ва ахборот ресурс марказларига кундалиқ, ретроспектив ва тавсия библиографик қўлланмаларини нашр қилиб тарқатади.

Бўлим томонидан ўлкашунослик библиографик кўрсаткичлари мунтазам тайёрланиб келинган.

1983 йилда бўлим ходимлари томонидан тайёрланган “Тошкент” адабиётлар кўрсаткичи ҳозирги кунга қадар китобхонлар томонидан фойдаланилади.

Кўрсаткичда Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик тарихини акс эттирувчи адабиётларнинг асосий рўйхати берилган бўлиб, тарихчилар, ўлкашунослар ва кенг китобхонлар учун бебаҳо манба ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида бўлим томонидан бир неча библиографик қўлланмалар тайёрланди. Жумладан “Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлида” (ўзбек ва рус), “Оила –давлат таянчи” адабиётлар рўйхати, “Туркистон вилоятининг газети”га алифбо-соҳалар бўйича тузилган библиографик кўрсаткичи (1870-1916 йй.), “Рўйи замин сайқали” ўзбек ва рус тилларида ретроспектив кўрсаткич, “Ҳомийлик азалий қадрият” “Мақсуд Шайхзода” каби библиографик кўрсаткичлар нашр қилинди.

Жумладан, миллий библиография бўлим ходимлари Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан юқоридаги кўрсаткичнинг мантиқий давоми сифатида 2009 йил Тошкентнинг юбилеи олдидан Тошкент ҳақидаги кўрсаткич устида иш олиб бордилар.

2008 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини

нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори чиқиши муносабати билан кейинги йилларда дунёга келган манбаларнинг мукамал библиографик кўрсаткичини нашр этдилар. 2008 йилда рус тилида нашр этилган **“Ташкент”** библиографик кўрсаткичи ҳамда 2009 йилда ўзбек тилида Тошкент тарихи, хўжалиги, маданияти, илмий ҳаёти, айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин пойтахт ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳақидаги адабиётларга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига ёрдам бериш мақсадида **“Тошкент 2200 ёшда”** номли библиографик кўрсаткич нашр қилинди.

Кўрсаткичдаги материаллар шаҳар ҳаётининг йўналишларига оид йирик соҳавий мавзули бўлимлар бўйича жойлаштирилган. Бўлимлар ичида адабиётлар алифбо тартибда берилган бўлиб, маълумот аннотацияси билан таъминланган.

Миллий библиография бўлими ходимлари янги технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда, вақтли матбуот нашрлари саҳифаларидан танлаб олинган мақолаларни электрон базасини яратиб уни янги маълумотлар билан тўлдириб борадилар.

2006 йил Қарши шаҳрининг юбилеи муносабати билан “Қарши 2700” адабиётларнинг тўлиқ матнли электрон базаси яратдилар.

Бундан ташқари йил давомида бўлим қироатхонасида китобхонларга СБА бўйича маслаҳатлар берилади, турли мавзуларда ёзма, телефон орқали оғзаки маълумотномалар берилади.

Миллий библиография бўлими Ўзбекистонга тааллуқли барча сўровларга жавоб олиш мумкин бўлган маскан ҳисобланади.

Миллий библиография бўлими фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари

Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб буюк мақсадлар сари дадил қадам ташлаётган Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда маънавиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан халқимиз маънавий кадриятларига ҳурмат эътибор билан муносабатда бўлиш, уларни асраб авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Република аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сонли қарори кутубхоначилик ишида ахборот ва телекоммуникация технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Қарорда аҳолини ахборот кутубхона билан таъминлашни такомиллаштириш, энг муҳими кутубхоначилик ишини ривожлантириш учун зарур бўлган республика кутубхоначилик ишини, тизимини тубдан ислох қилишга доир вазифа кўзда тутилган.

Қарор қабул қилингандан сўнг қатор ишлар амалга оширилди. Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхоначилик ва библиографик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда, фондларни ташкил этиш, сақлаш меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланиш ва уларни қайта кўриб чиқиш ва янги таҳририни яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг миллий библиография бўлими ҳам юқоридаги қарордан келиб чиққан ҳолда ўз иш фаолиятини янада кенгайтириб китобхонларга

библиографик хизматни электрон дастур орқали ташкил этиш ишлари кўриб чиқилган.

Бўлимда ўзбек ва рус тилларида юритиб келаётган ўлкашунослик картотекасини келажакда ИРБИС тизими бўйича "Ўзбекистон" электрон картотекаси асосида яратиш кўзда тутилган. Бу жараён ҳозирги кунда аста-секин бошланган. Шу кунга қадар вақтли матбуот нашрларининг 2005-2007 йиллардаги сонлари тўлиқ киритилди.

Ўзбекистонга оид адабиётларни танлаш ва саралаш, китобларга ишлов бериш бўлимида "У" ва "Ю" шифридаги китобларга карточкалар нусхасини ёзиш қўлда механик тарзда амалга оширилмасдан тўғридан тўғри электрон ҳолда бўлим картотекасига олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Бўлим ходимларининг библиографик билим кўникмаларини янада ўсишини таъминлаш мақсадида хорижий давлатларга ва республикамиз вилоятларига хизмат сафари уюштириб келинмоқда. Жумладан 2007 йил бўлим мудирини Фазила Рўзиева Корея Республикасида олти ой давомида меҳнат тажрибасини ошириб қайтди. 2008 йил Россия давлатида бўлиб, Россия Давлат кутубхонаси томонидан ҳар йил ўтказилиб келинаётган "Румянцев ўқишлари - 2008" халқаро илмий конференцияда иштирок этиб, "Ўзбекистонда миллий библиография тарихи ва ҳозирги ҳолати" мавзуида маъруза қилди. Ҳар йил охирида бўлим ходимлари вилоятларда бўлиб АКМ ва АРМлар иш фаолиятларида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бўлим ходимлари орасида кутубхона томонидан ташкил этилган машғулотларга иштирок этишни янада кенгайтириш, юқори малакали библиографлар сафини ошириш олдимизда турган муҳим масаладир. Миллий библиограф кадрларни ишга жалб қилиш зарур айни вақтда малакали библиограф мутахассислар етарли эмас.

Шу мақсадда маданият институти ва коллежи билан ёш миллий библиограф кадрларни тайёрлашда ҳамда

қайта малакасини оширишда ҳамкорликда ишлаш кўзда тутилган.

Ҳозирда миллий мафкура ғояларини кенг китобхонлар оммасига етказишда кутубхоналарнинг, айниқса миллий библиография бўлимининг ҳам ҳиссаси катта. Шундай экан, бўлим янги йўналишда жаҳон стандартлари миқёси даражасида ишни ташкил қилиш учун янги технология ва жиҳозлар билан таъминланиши лозим. Бўлим иш фаолиятини автоматлаштириш, тез ва кенг библиографик хизмат кўрсатишни татбиқ этиш бўлим фаолиятининг асосий ва долзарб устувор йўналишидир.

Миллий библиография бўлими томонидан нашр этилган қўлланмалар

1. Государственная Публичная библиотека УзССР им. Алишера Навои на страницах печати: Библиогр.указ. /Сост. М. П. Авшарова; Гос. б-ка УзССР им. Алишера Навои; Отд. нац. библиогр. – Т., 1950. – 125 с.

2. Коммунистик жамият кишисини тарбиялаймиз: Адабиётларнинг аннот. тавсия рўйхати /Тузувчи Р.В.Сайдахмедова; Мухаррирлар: М.Я.Носирова, Ф.И. Байбекова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1963.-38 б.

3. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1963 йил (июль - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я.Яровинская; Мухаррир Т. Содиқов; тарж. О. Мухторов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1963.-34 б.

4. Города Узбекистана: Указ. лит-ры. /Сост. С.И.Кейзер; Ред. Г.Н. Чабров; Гос. б-ка УзССР им.

Алишера Навои. –Т.: Госиздат УзССР, 1964. – 96 с.

5. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1963 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Мухаррирлар: М.Носирова, К. Абдуллаев; тарж. О. Мухторов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1964.-54 б.

6. Ўзбекистон шаҳарлари: Адабиётлар кўрсаткичи /Тузувчи С. Эшонхўжаева; Мухаррир М. Носирова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1964.- 84 б.

7. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1965 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; таржимонлар: И. Шафигин, А.Шомаҳмудов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1965.-120 б.

8. Жонажон Ватан бўйлаб: Адабиётларнинг аннот. тавсия рўйхати /Тузувчи Ф.И. Байбекова; Мухаррир С. Эшонхўжаева; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1966. – 35 б.

9. Район кутубхоналарида справка-библиографик ишни ташкил қилиш: Методик қўлл./Тузувчи М.Носирова; Мухаррир Ф.И. Байбекова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими.-Т.,1966.-30 б.

10. Ўзбекистон 1960 (йил): Адабиётларнинг библиор. кўрсаткичи /Тузувчилар: Ф.Байбекова, В.Сайидахмедова; Мухаррир М.Носирова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т.: Ўзбекистон, 1966.-262 б.

11. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1966 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; тарж. К.Абдуллаев; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1966.-78 б.

12. Биз коммунизм сари бормоқдамиз: Адабиётларнинг тавсия рўйхати /Тузувчи С.Шермухамедова; Муҳаррир З.Полвонова;Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т., 1967. – 18 б.

13. Ленин тирик ва мангу яшайверади!: Адабиётларнинг тавсия рўйхати /Тузувчи З.Полвонова; Муҳаррир М. Носирова;Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т., 1967. – 62 б.

14. Ўзбекистон 1961 (йил): Адабиётларнинг библиогр. кўрсаткичи /Тузувчи Ф. Байбекова, М. Носирова; Муҳаррир Ф.Байбекова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т.:Ўзбекистон, 1967.-268 б.

15. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1967 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; тарж. Н.Ўломоов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1967.-140 б.

16. Алишер Навоий: биобиблиография (1917-1966) /Тузувчилар: Н.Мирзаева, З. Полвонова; Муҳаррир Ж.Тожиева; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т.: Гафур Ғулом ном. бадиий адабиёт нашриёти,1968.- 68 б.

17. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1968 йил (январь - декабрь)

/Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; тарж. М. Аминов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1968.-150 б.

18. В.И.Ленин ўзбек адабиётида 1962-1964 (март): библиогр. кўрсаткич / Тузувчи Ҳ. Расулова; Муҳаррир М.Носирова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т., 1969.-24 б.

19. Ўзбекистон бадиий адабиёти: Адабиётшунослик. Санъат. 1966 йил: Адабиётлар кўрсаткичи /Тузувчи Ҳ.Расулова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1969. – 49 б.

20. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1969 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; тарж. М. Аминов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1969.-170 б.

21. Съезддан – съездгача (КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олайлик):Адабиётларнинг қисқача тавсия рўйхати /Тузувчи Ҳ. Расулова; Муҳаррир Н. Мирзаева; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т.,1970.-24 б.

22. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1970 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, М. Я. Яровинская; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; тарж. И.Фозилов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1970.-120 б.

23. Библиотечное дело и библиография в Узбекистане: 1966 – 1967: Аннот. указ. лит-ры / Сост: Е.Г.Беленькая, Е.М Казакова; Гос. б-ка

УзССР им. Алишера Навои; Отд. нац. библиогр. – Т., 1971. – 59 с.

24. Н.А.Некрасов (Туғилган кунининг 150 йиллигига):Китобхонга эсдалик /Тузувчи Ҳ. Расулова; Мухаррир М. Носирова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими.– Т., 1971.-8 б.

25. Кутубхонада ҳуқуқшуносликка доир адабиётларни пропаганда қилиш: Методик ва библиогр. материаллар /Тузувчи З. Насриддинов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1971 . - 10 б.

26. Тинчлик, тараққиёт ва яратувчилик программаси: Адабиётларнинг тавсия рўйхати /З. Полвонова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1971 . – 27 б.

27. Тошкент – тинчлик ва дўстлик шаҳри:Ёшлар учун адабиётлар ҳақида суҳбат /Тузувчилар:Ҳ. Расулова, М. Носирова; Мухаррир М. Носирова; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т.,1971.-10 б.

28. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1971 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: Е.А. Войцеховская, С.И.Кейзер, Е.Г. Беленькая; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1971.-88 б.

29. Ўзбекистон ССРнинг муҳим ва унутилмас воқеалар календари 1972 йил (январь - декабрь) /Тузувчилар: С. И. Кейзер, Е. Г. Беленькая; Масъул муҳаррир Ҳ.Турсунов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.-Т.: Ўзбекистон, 1971.- 85 б.

30. Ўзбекистонда кутубхонашунослик ва библиография: 1968-1969 йй.: Адабиётлар

кўрсаткичи /Тузувчи Н.Мирзаева; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1971 . - 75 б.

31. Ўзбекистоннинг Ленин, Давлат ва Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари 1959-1969: Адабиётлар кўрсаткичи / Тузувчилар: М. Носирова, С. Шермухамедова; Мухаррир Ю.Б.Абрамов; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т.,1971.- 124 б.

32. Ўрта мактаб ўқитувчиларига ёрдам = В помощь учителю средней школы: Адабиётларнинг информ. рўйхат №1 / Тузувчилар: С. Шермухамедова, Д.Г.Галимова; Мухаррирлар: М. Носирова, Е.А. Войцеховская; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т.,1971.-12 б.

33. Ўрта мактаб ўқитувчиларига ёрдам = В помощь учителю средней школы: Адабиётларнинг информ. рўйхат №2 /Тузувчилар: Ҳ. Расулова, К. Казакова; Мухаррирлар: М.Носирова, С.И. Кейзер; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси.; Миллий библиогр. бўлими. – Т.,1971.-22 б.

34. Маданият ва санъат: = Культура и искусство Узбекистана: Адабиётлар рўйхати №1/ Тузувчилар: З. Полвонова Н.Я.Малышева; Мухаррир М.Носирова, С.И. Кейзер; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1972. – 105 б.

35. Маданият ва санъат: = Культура и искусство Узбекистана: Адабиётлар рўйхати №2 /Тузувчилар: З. Полвонова Н.Я.Малышева; Мухаррир Е.Д.Свидина; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1972. – 110 б.

36. Маданият ва санъат: = Культура и искусство Узбекистана: Адабиётлар рўйхати №3 / Тузувчилар: З. Полвонова Н.Я.Малышева; Мухаррир С.И.Кейзер; Алишер Навоий ном. ЎзР Давлат к-наси. – Т., 1972. – 96 б.

